

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 2033-ҳадис

2033/6404 – عَنْ أَبِي أَعْيُوبَ الْأَنْصَارِيِّ وَابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا فِي هَذَا الْحَدِيثِ

عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ قَالَ عَشْرًا كَانَ كَمْنَ أَعْتَقَ رَبَّةً مِنْ وَلَدٍ إِسْمَاعِيلَ.

2033.6404 Абдуллоҳ ибн Мұхаммад шундай сўзлаб берди:

«Бизга Абдурмалик ибн Амр сўзлаб берди: «Умар ибн Абу Зоида бизга Абу Исҳоқдан сўзлаб бердики, Амр ибн Маймун: «Ким (мазкур таҳлилни) ўн марта айтса, Исмоил авлодидан бир қулни озод қилгандек бўлади», деган экан».

Умар ибн Абу Зоида шундай деди: «Бизга Абдуллоҳ ибн Абу Сафар Шаъбийдан, у Рабиъ ибн Хусайндан худди шуни сўзлаб берди. Мен Рабиъга: «Сен буни кимдан эшитгансан?» дедим. У: «Амр ибн Маймундан», деди. Амр ибн Маймунинг олдига бориб: «Сен буни кимдан эшитгансан?» дедим. У: «Ибн Абу Лайлодан», деди. Ибн Абу Лайлонинг олдига бориб: «Сен буни кимдан эшитгансан?» дедим. У: «Абу Айюб Ансорийдан. У буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўзлаб берган», деди».

Изоҳ: Бу ерда юқоридаги ҳадиснинг марфуъ ёки марфуъ эмаслиги ҳақида баҳс юритилмоқда. Имом Бухорий ушбу маълумотларни келтириш орқали унинг марфуъ эканини асосламоқда.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



